

# САОДАТНОМА



## БИЗ МУАЛЛИМ БЎЛГАНМИЗ

### ёхуд ал-Фарғоний ва Алигери Данте

***Дунё тарихини холисона ўрганган киши шунинг гувоҳи бўладики, муаззам Шарқ қадим-қадимдан инсоният маданиятининг бешиги, илм-фан ўчоғи бўлиб келган. Айниқса, IX-XII асрларда мусулмон Шарқида маърифат ва маданият гуллаб яшнаган, Бухоро, Марв, Балх, Бағдод, Самарқанд, Урганч, Дамашқ, Куфа, Қоҳира шаҳарларида турли фан соҳалари билан шуғулланувчи юзлаб иқтидорли олимлар, адиблар, зиёлилар ижод қилган. «Байтул ҳикма» — донишмандлик уйлари тадқиқотлар, кашфиётлар марказига айланади, фалакиёт, жуғрофия, риёзиёт, тиббиёт, фалсафа, тасаввуф, тафсир ва таҳлил илмлари ривожланди, дунёга машҳур асарлар яратилди.***

Лекин пешқадам Шарқ цивилизацияси, айрим тадқиқотчилар айтганидай, «Осиё дарёлари каби қумликларга сингиб кетиб, ўз қобиғидан чиқолмай номнишонсиз йўқолган» эмас. Аксинча, бу улкан маданият умумбашарий цивилизацияга қўшилиб, унинг узлуксиз ривожига омил бўлди, хилма-хил алоқа воситалари орқали Ғарб халқлари қўлига ўтиб, янги Европанинг ақлий тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. Етти аср давомида араб халифалиги қўли остида бўлган Испаниянинг Қурдоба, Шивилия, Ғиронада вилоятларида Шарқ илм-маърифати кенг ёйилиб, гуллаб-яшнайди. Испан қироллари араб тилини мукаммал билар, ўз саройларида араб шоирлари ва олимларини сақлар, зиёлиларнинг барчаси арабча таълим олиб, шарқона урф-одат руҳида тарбияланадилар. Европалик талабалар илм истаб Дамашқ, Қоҳира, Искандария каби шаҳарларга бориб ўқиганлар. Шарқлик мударрислар бўлса, Испания, Италия, Франция шаҳарларини кезиб дарс берганлар. Сабаби, у замонларда илму маърифат тараққиётига кўра, Ғарбий Европа Шарққа нисбатан анча орқада эди. Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистон шаҳарларида минглаб талабалари бўлган мадрасалар, ҳар бири юз минг ва ундан ортиқ китобга эга «хазинатул ҳикма», «дорул илм»лар, қанчадан-қанча фан-маърифат даргоҳлари ишлаб тургани ҳолда, Европа соборларида бармоқ билан санарли диний китоблар бўлган, холос. Адам Мец шундай қиёсни келтиради: IX-X асрларда мусулмон мамлакатларида давлат кутубхоналаридан ташқари, умум фойдаланишга топширилган шахсий «хазинатул ҳикма»лар жуда кўп эди, китобсеварларнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Биргина Қурдоба ҳокими ал-Ҳаким кутубхонасидаги китобларнинг номи ёзилган дафтарлар 44 жилдни ташкил этган, халифа ал-Азиз хазинасида эса 120 минг жилд китоб бор эди (фақат Табарий тарихининг ўзи 20 нусхада кўчиртириб олинган). Ҳолбуки, IX асрда Констанц кутубхонасида — 356 жилд, Бенедиктберуренда 1032 йилда — 100 та, Бамбергдаги жомеъда 1130 йилда атиги 96 та китоб мавжуд бўлиб, буларнинг асосий қисми диний адабиётлар эди.

Гётенинг устози, жаҳон таммаддун тарихини яхлит ўрганиб, ҳар бир халқнинг инсоният фикрий тараққиётига қўшган улушини холисона баҳолаган Г. Гердер бундай ёзади: «Ўша пайтда варварлик ҳолатида бўлган Европанинг кўп жойларига мусулмонлар илм чироғини ёқдилар... бирорта ҳам европалик халқ ўз ёзувини кашф этган эмас: испанлар ёзуви ҳам, шимолий оромий ёзуви ҳам Осиёдан олинган, Шимолий, Ғарбий ва Шарқий Европанинг бутун маданияти — бу юнон-румо-араб уруғидан униб чиққан ўсимликдир. Европа Шарқдан саводхонликни, аниқ фанлар ва уларни эгаллаш методикасини, деҳқончилик ва чорвачилик илмини, денгизда сузиш ҳунарини, ҳарбий техникани ўрганиб олди. Шарқ халқлари Ғарбдаги биродарларига, шунингдек, тасвирий санъат ва архитектурани, шеъриятни инъом этдилар. Шарқлик савдогарлар Осиё билан Европа орасидаги савдо алоқаларининг асосий иштирокчилари бўлганлар. Мусулмонлар ҳамма фанлар билан шуғулланганлар ва уларнинг аксариятида янгиликлар кашф этдилар, билимлар доирасини кенгайтирдилар ҳамда халқларнинг руҳига таъсир этиб, уларга ҳузур-ҳаловат бағишладилар... математика, кимё ва тиббиёт соҳасида арабларнинг хизмати буюкдир, улар томонидан тараққий эттирилган, кўпайтирилган бу фанларда араблар Европанинг муаллимлари бўлиб қоладилар».

«Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, — деб давом этади Гердер, — инсон зотига табиат сирларини очишга калит бердилар... физиканинг барча бўлимларига шу калитни топдилар ва бу калит асрлар давомида амалда қўлланиб келинди. Олим яна таъкидлаб айтадики, Шарқда яратилган китобларнинг сон-саноғига етиб бўлмасди. Самарқандда ёзилган биргина «Зиж» (Улуғбекнинг астрономик жадвали назарда тутилади) ҳали-ҳанузгача инсонларга садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Рақамлар, барча ҳисоб усуллари, наботот илми, доришунослик, жавоҳирот, механика соҳасидаги кашфиётлар, хуллас, одам авлоди учун зарур бўлган барча фанларда тўпланган улкан тажрибани европаликлар Шарқдан қабул қилиб олдилар». Шарқ олимларининг таъсири шу даражада эдики, ҳатто уларнинг хатолари ҳам Европада узоқ сақланиб қолди.

Шарқ маданиятининг Европага кўчишида шак-шубҳасиз таржиманинг роли катта бўлган. XII асрдан бошлаб араб тилида яратилган илмий адабиётларни лотин тилига таржима қилиш авж олади. Араб тилидаги жамики фанларга оид асарлар мунтазам равишда таржима қилиниб, кўп нусхада кўчирилиб, тарқатилар эди. Толедода амалга оширилган таржималар «христиан схоласт олимларини ларзага келтирди», — дейди испаниялик шарқшунос Менендес Пидал. Бу таржималар жаҳон маданияти ривожида бутун бир даврни ташкил қилиб, фан тарихини Толедо мактаби фаолиятигача ва ундан кейинги босқичларга ажратади. Шуни ҳам айтиш керакки, нафақат Шарқ олимларининг қаламига мансуб асарлар, балки қадимги Юнонистон илму фанининг дурдоналари ҳам даставвал арабчадан қилинган таржималар орқали Европага кириб боради. Аристотель ва унинг Шарқдаги издошлари — Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушидларнинг фалсафий асарлари ўрта асрчиликнинг қолоқ ақидалари, диний хурофотлар илдизига болта урди, фикрий уйғониш ва янгича дунёқарашни бошлаб берди. «Биргина Аристотель асарларининг XI-XIII асрларда Европа тилларига қилинган таржималарини ўрганиб, ривожланган ўрта аср тарихини ёзиш мумкин, десак муболаға бўлмас». И. Н. Голенишев — Кутузов, ҳатто «европоцентризм» таъсиридан холи бўлмаган йирик файласуф Гегель ҳам Шарқ халқларининг жаҳон бўйлаб маърифат тарқатишдаги бебаҳо миссиясини тан олишга мажбур бўлган эди: «Ғарб христианлари орасида, — дейди у, — фан нобуд бўлиб, йўқолгач, Аристотелнинг юлдузи Шарқ халқлари орасида янги шуъла билан порлади, кейинчалик улар Ғарбни унинг фалсафаси билан ошно этдилар».

Академик И. Орбелининг фикрича эса, Шарқнинг таъсирини XII-XV асрлардаги Ғарбий Европанинг турмуши, хўжалиги ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларида мушоҳада этиш мумкин. Шарқона услубда солинган бинолар, арабча оҳангдаги рақс, мусиқа, тасвирий санъат ҳам, зодагонларнинг одат ва кийинишлари, мактаб-маориф, спорт, ҳунарманд, тилшунослик, тарихнавислик, дид ва тасаввурлардаги тақлид-таҳассублар ҳам шундан далолат беради.

Хуллас, Европа халқлари XI-XV асрларда араблар орқали: 1) антик дунё илм-фани ва қадимги Шарқ маданияти ютуқларини, 2) Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистонда етишиб чиққан буюк мутафаккирларнинг кашфиётлари, илмий тажрибалар ҳосиласини, 3) Шарқ халқлари адабиётида куйланган ғоялар, қўлланилган усул-услуб ва оҳангларни мерос қилиб олди, — Ғарб Шарқнинг меросхўри бўлиб майдонга чиқди.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**
**(Давоми бор)**





*Боболардан сўз кетса зинҳор,*
*Бир калом бор гап аввалида.*
*Осмон илми туғилган илк бор,*
*Кўрагоний жадвалларида.*

---

Эътироф

## ЁРУҒЛИККА ЭЛТУВЧИ НУР

***Ҳар хил катта-кичик давраларда мендан гоҳо сўраб қолишади: «Домла, маънавият дегани нима ўзи? Унга турлича, яъни мактабдаги баҳоларни қўйиб, ўқитса бўладими?» Шунда бу содда ва ҳайратли саволлар ортида бир дунё тилсимлар борлигини англаб, кўнглимни очаман. Йўқ, маънавиятни «2» ё «5» баҳо билан ўлчаш...***

Тўғриси, сал ғалатироқ туюлади, менинг назаримда. Чунки уни ҳеч бир ўлчов ва қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос мезонлари бор. Маънавият, аввало, ҳар биримизнинг инсонийлигимизни, қолаверса, руҳий қиёфамизни белгилайди. Ҳатто, айтиш мумкин, «саломалик»имиздан тортиб «хайр-хўш»имизгача маънавий дунёмизни кўрсатади.

Энди бевосита маънавий уйғонишга қайтайлик. Ватанимизнинг, қолаверса, халқимизнинг озод бўлганига етти йил бўлаяпти. Хўш, етти йил балки тарих учун бир лаҳзадир. Биз учун-чи? Ҳеч муболағасиз айтишим керак, асрларга татигулик йилларга тенг бўлди. Боисини қай бир мисол билан исботлайин? Худо насиб этса, ҳали Ўзбекистон бутун дунёни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Лекин етти йиллик сабоқлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, мамлакатимиз катта синовдан муваффақиятли ўтди. Расман мустақил бўлган давлат фуқаролари бугунги кунда руҳан ҳам озоддирлар. Айниқса, уларнинг тафаккурида уйғониш ғоят сезилиб қолди. Кечаги одамларнинг ўлчови билан бугунгиларнинг кескин фарқланадиган жиҳатлари кўп.

Шу ўринда бир ҳикмат келтирмоғим жоиздир. Машҳур авлиёлардан бири ҳазрати шайх Аҳмад Масруқда шундай сўзлар бор: «Маърифат дарахтини фикрат суви билан суғормоқ, ғафлат дарахтини эса бедорлик суви билан суғормоқ, тавба дарахтини эса пушаймонлик суви билан суғормоқ керакдир». Бундан англанадиган ҳақиқат битта: у ҳам бўлса, ўзлигимизни танимоқдир. Ўзлигини таниган одам Ватанини, миллатини, халқини танийди. Мен Ўзбекистонимизда амалга ошаётган юксалишларни кўриб, кузатиб шундай хулосага келдим: бизнинг озод ва обод Ватанимизда ўсаётган Маърифат дарахти эндигина етти ёшни тўлдираяпти. Ҳали қаддини тиклаётган бу дарахт кун сайин, лаҳза сайин улканлашаяпти. Ҳатто, аллақачон мевалар ҳам бера бошлади.

Мен «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни синчковлик билан ўқиб, бошим осмонга етди. Негаки, уларда жуда катта, оламшумул вазифалар, истиқболли режалар бор. Айниқса, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси билан тенглашадиган бу дастурий ҳужжатлар таълим соҳасида бутунлай янгича йўллар изланаётганлигини кўрсатади. Ва ўз навбатида эртанги кунга бўлган умидимизни нурлантиради.

Дарвоқе, йиллар ўлчовли, лаҳзалар белгили. Лекин маърифат нурларини ҳеч бир ўлчовга сиғдириб бўлмайди. Улар бизларни яхшиликка, ёруғликка элтади.

**Давлатали МУСАЕВ,**
**Тошкент кооператив тижорат коллежи директори, доцент.**

---

ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

## ФАСЛ

***Буюрдики: Севилган киши гўзалдир. Аксинча, бўлмайди. Яъни ҳамма гўзаллар-да севилавермайди ва севилиши шарт ҳам эмас. Гўзаллик севимлиликнинг бир жузъидир. Севимли бўлмоқ аслдир. Бу бўлгандан кейин гўзаллик ҳам мавжуддир. Ҳар бир нарсанинг жузъи (қисми) кулли (бутуни)дан айри бўлолмайди, улар биргадир, яъни қисм бутун биландир. Мажнуннинг замонида ҳам гўзаллар бор эди ва улар Лайлидан ҳуснлироқ эди. Бироқ Мажнун уларни севмади. Унга: «Лайлидан гўзалроқларини сенга кўрсатайлик, берайлик» дедилар. Мажнун эса: «Мен Лайлининг суратини севганим йўқ ва у кўринишидангина иборат эмас. Лайли менинг қўлимда бир қадаҳ кабидир. Мен бу қадаҳдан шароб ичаяпман, чунки мен шаробга ошиқман. Сизнинг кўзингиз фақат қадаҳда, ичидагидан хабарингиз йўқ, ғофилсиз» — деди. Менинг қўлимга олтин безакли бир қадаҳ тутқазсалару, ичидаги нарса шаробдан бошқа нарса бўлса, бунинг нима фойдаси бор? Мен учун шароб тўла эски ва синиқ бир идиш олтин безакли бу ва бунинг каби юзта қадаҳдан яхшироқдир. Қадаҳдаги шаробнинг мазасини билиш учун ишқ ва шавқ керак бўлади. Чунончи, ўн кундан бери ҳеч нарса емаган оч билан кунда беш маҳал овқатланиб юрган тўқнинг нонга қарашлари бир хил эмас. Чунки тўқ ноннинг суратинигина кўрса, оч унинг сийратини (моҳиятини) кўради. Нон қадаҳ бўлса, мазаси қадаҳдаги шароб кабидир. Бироқ шароб фақат иштаҳаси ва шавқи билан кўзгагина кўринади. Сен ҳам ўзингда иштаҳа ва шавқ ҳосил этки, фақат суратни эмас, балки сийратни ҳам кўргайсан. Бундай одамларнинг сурати қадаҳларга ўхшайди, илм ва билимлари эса ана шу қадаҳларга солинган нақшлар кабидир. Қадаҳ синиши билан нақшлардан асар ҳам қолмайди. Демак, қиёмат қадаҳ сингари бўлган вужудлардаги шаробдадир ва бу шаробни ичган киши унинг ўлмас яхши нарса эканлигини билади.***

**Мавлоно Жалолиддин РУМИЙ.**

---

Мўъжиза

## АСРНИ ҚАРИТГАН АЙВОН

***Виқорли тоғлар қўйнидан отилиб чиқаётган булоқнинг зилол сувларидан ўз ташналигини қондирган одам унинг бу ерда қачон ва қандай пайдо бўлиб қолгани ҳақида бош қотирмаса керак. Бироқ ана шундай улуғвор тоғу тошлар оралиғида жойлашган сўлим бир гўшада бунёд этилган ҳар қандай иншоот диққатингизни тортмай қолмайди. Айниқса унинг ёши бир асрдан ошган бўлса...***

Пойтахтдан қирқ чақиримлар чамаси юрсангиз шаҳарга ўрганган кўзларингиз бутунлай бошқа манзарани кўради. Энди осмонўпар бинолар ўрнига чўққиларида булутни кўтариб турган азим тоғлар, сўлим хиёбонлар эмас, бир-бирига уланиб кетган олмазор боғлару қирларга ўрлаб кетган узумзорлар диққатингизни тортади...

Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳудудидан бошланган бу манзара Заркент қишлоғига бориб янада гўзаллашади. Бир неча сония олдин ҳайрат тўла кўзларингизни тиккан тоғлар энди сизнинг пойингизда. Фалакка қадалган чўққилар сизни унсизгина ёнига чорлайди. Сиз эса бири-биридан ҳайбатли, бири-биридан фусункор бу чўққиларнинг қай бирига кўтарилишни ҳал қилолмай, водийда ястаниб ётган ўрмонга юзланасиз...



Ўзига хос ўрмонни эслатадиган бу боғда унмаган дарахтнинг, битмаган бутанинг ўзи йўқ. Асрларнинг асов шамолларига мардона кўкрак кериб турган минг йиллик арчадан тортиб бутасимон дарахтларгача, ёввойи узуму олмалардан то тоғолчагача — ҳамма-ҳаммаси сизни мезбонлардек кутиб олишга тайёр...

Қизиқишларингиз чегара билмай олдинга интиларкансиз, боғ-ўрмоннинг энг сўлим жойида жойлашган айвон бир ҳайратингизга ўн ҳайрат қўшади. Айвон пештоқига осиб қўйилган лавҳадаги «Бу шийпон Бухорои Шарифдан келган уста-наққош Абдул Мажид Хонқорахон томонидан 1892 йилда қурилган» деган ёзувни ўқиб кўзларингизга ишонмайсиз...

Тўғри, шаҳри азимда бундан бир неча баробар узоқроқ яшаган бинолар бор. Аммо улар аллақачоноқ давлат назоратига олинган, вақти-вақти билан таъмирлаб турилади. Бу айвон эса... очиқ табиат қўйнида, аёвсиз шамоллар, изғиринбўронлар, тинимсиз ёғиб турган ёмғиру қорларга дош бериб ёлғиз ўзи юз йилдан ошиқ яшаб қўйибди. Бунинг устига ташқари томондан етган баъзи бир шикастларни эътиборга олмаганда худди куни кеча қурилгандай турибди...

Айвон пештоқига айланасига ишланган шакллар уйғунлиги, бу шакллар ичкарисига чизилган гулларнинг ранго-ранглиги, нақшу нигорларнинг нафислиги ҳар қандай одамни ҳам лол қолдиради. Айниқса, ишланганига бир асрдан ошган бўлса ҳам бирорта бўёқнинг кўчиб кетиши у ёқда турсин, ҳатто ўз рангини ўзгартирмаганини кўриб кўзларингизга ишонмайсиз. Нақшларнинг ажиб товланиши, гулларнинг нафис рақсидан қониб-қонмаган кўзларингиз пештоқ ёнбошига арабий имлода битилган «Наққош-уста Абдул Мажид Хонқорахон, 1892 йил» ёзувини ўқиркан, шубҳага ўрин қолмайди. Чинданам бу айвоннинг қурилганига бир юзу олти йил бўлибди...

Аммо у ҳали ёшини тан олгиси йўқ. Ўз нафосатини, бутун гўзаллигини йўқотмаган бу айвон ҳали яна кўплаб юракларда ҳаяжон, кўзларда ҳайрат уйғотишига ишонгимиз келади...

**Темир ҚУРБОН,**
**«Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси халқ амалий санъати бўлимининг етакчи мутахассиси.**

---

Ўзбекчилик



## «СЕН» ҲАМ, «СИЗ» ҲАМ БИР ОҒИЗДАН

Кундалик турмушимизда, кишилар ўртасидаги муомалада «сен» ва «сиз»чалик кўп ишлатиладиган сўз топилмаса керак. Ҳар куни эрта тонгдан уйқуга қадар ҳар биримиз бу сўзларни такрор ва такрор ишлатамиз.

Баъзан «сен» ва «сиз»нинг ўз ўрнида ишлатилмаганидан даҳанаки «жанг»лар ҳам чиқиб туради:

— Мени «сен»лама, сендан ёшим катта.

— Сен «сиз» дейишга арзимайсан! — деган гапларни кўп эшитамиз.

Ёки яқин муомаладагиларнинг кутилмаганда «сиз»дан «сен»га ўтиши суҳбатдошини ноқулай аҳволга солиб қўйиши ҳам мумкин. Бу ҳол улар ўртасидаги илиқ муомаланинг дарз кетганлигидан гувоҳдир. Гоҳо оила қургунча бўлажак куёв бола ўз қайлиғини «сиз»лаб, бироз ўтгач, «сен»га ўтиши ҳам яхши ҳол эмас.

Халқимизда «яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқибди», деган ажиб нақл бор. Европа халқларидаги сингари фарзанд ота-онага «сен» деб мурожаат қилсин-чи қани?! Буни ҳар қандай ўзбек ота-она кўтаролмаса керак.

Лекин ота-оналар ўз фарзандларини «сен»лаши одат тусига кирган. Фақат Фарғона водийсида ўзининг боласини ҳам «сиз»лаш одати бор. Бу ибратли фазилат. Устоз ўз талабаларига «сиз»лаб мурожаат қилса, бу муомала маданияти унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳини уйғотади. «Сен»лашиб сўзлашадиган ўртоқларнинг кўпчилик ўртасида, жамоада бир-бирини «сиз»лагани маъқул, тор доирада ўзлари билади...

Мансабга кўтарилган кишининг илгари «сиз»лашиб юрган ўз дўстига нисбатан «сен»га ўтиши ҳам маданиятлилик аломати эмас. Айниқса, «сен» кишилик олмошининг ҳақоратомуз «сен»га ўтиши жуда кўнгилсиз ҳолдир.

Кўриниб турибдики, ҳаётда «сен»нинг ҳам, «сиз»нинг ҳам ўз ўрни бор. Фақат хушмуомалаликни йўқотмасдан, уларни қай вазиятда, кимга нисбатан ва қандай оҳангда айтишга кўп нарса боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз шарқона одоб-ахлоқни, ҳурматни унутмаслигимиз, айниқса, халқимизнинг «Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади» деган нақлини унутмаслигимиз зарур.

**Нормўмин ОЧИЛОВ.**

АКС

# ТАРИХИЙ ОНГ НИМА УЧУН КЕРАК?

САДО

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бутун дунёга машҳур Кушон давлати, Амир Темур салтанати тарихи каби улкан аҳамиятли ўтмиш воқеаларини ўз ичига олган кўп асрли тарих ҳам бир бўлимга, «Ўрта Осиёнинг Россияга ихтиёрий қўшилиши» деб аталган мустамлака даври ҳам бир бўлимга жо бўлди. Айни пайтда совет даври тарихи институтнинг беш (!) бўлимида муфассал ўрганилди. «Ишчи синфи тарихи», «Колхоз-совхоз қурилиши» каби бўлимларнинг мавжуд бўлгани ҳозирги кунда ҳатто кулгили туюлади. Яккаю ягона «қадимги» бўлим унга асос солган атоқли олим, академик Яҳё Ғуломов вафотидан сўнг тарқатиб юборилди. Ахир, бўлим учун шарқ тилларини пухта эгаллаган, ўрта аср қўлёзмаларини бемалол ўқиб, тадқиқ эта оладиган билимдон мутахассисларни ахтариб топиш Яҳё ака учун қанчалик куч-ғайрат талаб этган эди! Бундай ўзбошимча қарорларнинг салбий оқибатлари ҳозиргача сезилади: ўрта асрлар тарихи фани кадрлар тақчиллиги билан «касалланган», бу давр бўйича зарур тадқиқотлар ҳали ҳам етишмайди. Тарих ҳақиқатидан узоқлашиш, уни бузиб кўрсатиш туфайли юзага келган улкан йўқотишлар шулардан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Албатта, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг тўлиқ мустақилликка эришиши Ватанимизнинг кўп асрлик тарихининг барча даврларини тўлақонли ва объектив ўрганиш учун кенг имкониятлар яратди. Ўтган етти йил мобайнида кўпгина тарихий муаммолар, хусусан Ўрта Осиё хонликларининг Россия томонидан босиб олиниши, чор ҳокимияти ва совет ҳукуматининг мустамлака сиёсати тарихи кўриб чиқилди, ниҳоят XIX аср охири — XX аср бошлари жадидчилик ҳаракати ўзининг чинакам баҳосини олди. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳам ўз асл баҳосини топди.

Мавжуд адабиётларни чуқур таҳлил этиш орқали бизнинг тарих босқичлари, йўл қўйилган хатоликлар, камчиликларни излаб топиш ва шу билан биргаликда келгуси тадқиқотлар учун фойдали тажрибаларни умумлаштиришга даъват этилган тарихшунослик (историография) вазифалари бутунлай янгича қўйилмоқда. Бироқ кўплаб ҳал этилмаган масалаларнинг йиғилиб қолиши шу билан изоҳланадики, тарих фани тубдан қайта идрок қилинишига муҳтож.

Ҳозирда янги шароит юзага келди. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, табиийки, бундай давлатнинг тўлақонли ҳаққоний тарихи бўлмоғи лозим. Шу боис, мамлакатимиз Президентининг ўзбек давлатчилиги, ўзбек халқининг этногенези ҳақидаги тарихий тадқиқотлар ва, умуман, Ўзбекистон тарихининг янги концепцияси йўқлиги борасидаги қайғуришлари тушунарли. Тарихчиларда давлат қурилишининг умумий жараёнларида тарих фанининг ўрнига оид аниқ бир қарашлар ва уларнинг таърифлари ҳозиргача йўқ. Тарих фани назарияси, методология ва фалсафаси яратилмади. Буларга эса эҳтиёж жуда кучли.

Мамлакат Президентининг биринчи чақириқ Олий Мажлис сессиясидаги (1998 йил 30 апрель — 1 май) чиқиши, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари, тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашувдаги нутқи ва бошқа чиқишларида маънавият, дин, тарих фани ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига нисбатан давлат раҳбари сифатидаги аниқ қарашлари ўз ифодасини топган. Уларда тарих, мафкура ва маънавият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, деган фикр мавжуд. Чунки, ғоясиз, эътиқодсиз инсон — инсон деган улуғ номга муносиб эмас. Ҳар бир одам ўз-ўзига: мен кимман, қаердан келиб чиққанман, нима учун яшаяпман, деган саволларни бермоғи лозим. Инсон бу дунёда яшаётган экан, унинг фаолияти мафкурадан озод бўлолмайди. Тарихни билиш ёки билмаслик мафкурани шакллантиришга таъсир этиши ҳақида гувоҳлик берувчи кўплаб мисоллар мавжуд.

Коммунистик тузум жон талвасасига тушган ва мустақиллигимиз арафасидаги йилларда дунёвий давлат мафкурасини диний ақидалар билан янглиш ёки онгли равишда алмаштиришга уринишлар бўлганди. Бу борада оммавий ахборот воситаларида фаол чиққан публицистларни бир эсланг, бозорлар ва кўча ёймачиларида тўлиб-тошган кўплаб арзон, муаллифсиз, диний мазмундаги рисолачалару масжидларда тушунарсиз, гўёки қуръоний жумлаларни тўкиб-сочган, бироқ «ўз» динига аниқ-тиниқ чақирган кишиларни ҳам бир эсланг! Натижада оддий одамларда дунёвий давлат мафкураси билан тарихий руҳоний-диний мерос ўртасидаги фарқ, чегара чалкашиб кетди. Охир-оқибатда, бундай жараёнлар давлатчилигимиз учун оғир оқибатларга — эркинлик ва қонунчилик тушунчаларини масъулиятсизларча бузиш, яъни эркинлик тушунчаси остида қонунсизликка йўл қўйилишига олиб келган бўлур эди. Тарихчилар ўтмишга баҳо беришда имиллашди ва кишилардаги тарихий онг бадиий асарлар, диний-маиший адабиёт билан озиқланди. Бунинг оқибатида, айрим кишиларнинг, у ёки бу сабабларга кўра, турли «янги русмли» руҳоний-диний таълимотлар, хусусан ваҳҳобийлик таъсирига тушиб қолиши ҳоллари юз берди. Ташқи жиҳатдан анча беозор кўринган кришнаизмдан то тажовузкор ваҳҳобийликка қадар, бундай таълимотлар асосида қаттиққўл мафкуравий кўрсатмалар ётади. Агар ҳамма ўз тарихий илдизлари, ўз Ватани анъаналари, аждодлари маданиятини билганида, бизга бегона мафкурани тарғиб этаётганлар амрига жамиятимизнинг айрим аъзолари қулоқ тутган бўлурмиди? Руҳоний-диний анъаналар ва тарихимиз билан боғлиқ биргина мисолни келтирамиз. Буюк муҳаддис олим, бобокалонимиз Ҳаким ат-Термизий IX асрда ислом оламида биринчи бўлиб авлиёлик мартабасининг қонунийлигини асослаб берди. У авлиёлик ҳуқуқини худонинг элчиси — расули ва пайғамбарлари бўлмиш анбиёлар билан тенглаштирди. Олим мукаммал одам — «комили инсон» тушунчасини ишлаб чиқди. Абу ал-Ваҳҳоб таълимотининг асосий таркибий қисми эса авлиёликка қарши курашдир. XVIII асрда араб ярим оролида юзага келган бу таълимотни деб биз ўзимизнинг бутун тарихимиз, кўп асрли маданиятимиздан воз кечишимиз керакми? Ахир, комил инсонлар — ўз ҳаёти ва фаолияти билан бошқа кишиларга ибрат бўлиш ва эътиқод қўйишга мисол бўладиган зотлар Ватанимиз тарихида озмунчами! Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор ва бошқалар халқимиз тарихига валий сифатида кирганлар. Уларнинг номи ва фаолияти шунчаки ўтмиш саҳифалари эмас. Улар мустақил давлат шароитида яшаётган янги авлодлар тарбиясига хизмат қилувчи ўтмиш маданиятимиз, миллий мафкурамизнинг узвий таркибий қисмидир.

Дунёда ўзини мафкурадан озод деб ҳисобловчи одамлар ҳам бор. Бироқ айнан шундай фикрнинг ўзи бетакрор бир мафкурадир. Кишилар маънавиятини шакллантиришга тарихчидан бошқа ким ёрдам беради? Ким бўлганимизни ундан бошқа ким тушунтиради, қаердан келиб чиққанимизу қандай маънавий бой бўлганимизни ким таҳлил этиб беради? Буларнинг барчасини билиш, ўз халқи ва мамлакатини исталган жойда ва исталган даражада таништира олиш уқуви, бу — тарихий онгдир. АҚШда фуқаролик ҳуқуқини олиш учун ҳар бир киши давлат тили, мамлакат Конституцияси, ҳуқуқи ва тарихини билиш бўйича давлат имтиҳони топшириши кўпчиликка маълумми? Халқаро ҳуқуқ амалиётидан кўриб турибмизки, ўз тарихини билган кишигина мамлакат фуқароси, деб ҳисобланиши мумкин. Бироқ фуқаролардан тарихий билимни талаб этиш учун тарихчилар биринчи навбатда, ўзлари ўтмишга нисбатан аниқ муносабатга эга бўлиши ва фаннинг тартибли тизимини жой-жойига қўймоғи лозим.

Бу соҳада тартибли деганда биз эрталаб ишга келиб, кечқурун уйга қайтиш, яъни меҳнат мажбуриятларини бажаришни эмас, балки тарих фани соҳасида бошқариш тузилмаларини такомиллаштириш, республика олий ўқув юртлари тарих факультетлари ва Фанлар академияси Тарих институти кучлари ва ўзаро таъсирини бирлаштириш, фанни ёш кадрлар билан таъминлашга даъват этилган маслаҳат органини ташкил этиш, ишлаб чиқилаётган мавзуларни танлашни мувофиқлаштиришни тушунамиз. Илмий ходимлар меҳнатининг сермаҳсуллиги кўп жиҳатдан меҳнатнинг такомиллашган тузилмасини ташкил этишга боғлиқ. Унинг ўзи юзаки ва адабий-илмий ўғрилик (плагиат)га асосланган тадқиқотларнинг нашр этилишига тўсқинлик қилмоғи лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, янги тарихий тадқиқотлар тақчиллиги даврида тарихга бир ёқлама баҳолар берилган, бунинг устига, илгари бошқа олимлар тўплаган архив манбаалари асосида ёзилган китоб, дарсликлар пайдо бўлди. Мисол сифатида Ўзбекистоннинг совет даври тарихи бўйича ёзилган «Ватан тарихи» (иккинчи китоб) ўқув қўлланмасини келтириш мумкин (Муаллифлар Р. Шамсуддинов, Ш. Каримов). Унда нафақат методологик хатоларга йўл қўйилган, балки республиканинг таниқли давлат арбоби Ф. Хўжаев фаолияти мутлақо нотўғри, субъектив баҳоланган, таниқли олим Қори Ниёзийга нисбатан ҳақоратли жумлаларга йўл қўйилган. Айни пайтда, бегона материалдан фойдаланиш оқибатида жадидлар ва миллий-озодлик ҳаракатининг бошқа вакиллари исми-шарифларини бузиб ёзишга йўл қўйилган.

Маълумки, мана, 55 йил мобайнида фаолият кўрсатиб келаётган Фанлар академиясининг тарих институти илмий фаолиятда катта тажрибага эга. Бироқ бу тажриба ҳозирча жамият учун ишламаяпти. Айни пайтда замонавийлик унинг ижтимоий вазифасини фаоллаштиришни талаб этмоқда. Биқиқ ҳолда ишлаш вақти ўтди, яъни тарихчи ўз ҳолича бўлолмайди, жамиятдан ташқарида, ўзи учун ёзолмайди ва илмий амалини қилолмайди. Тарихий мавзуга оид улкан миқдордаги телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар бу соҳадаги сўнгги янгиликлардан объектив фойдаланмаган ҳолда уюштирилган ва илмий маслаҳатчига эга эмас. Агар телевидение қудратли тарғибот куч экани ҳисобга олинса, маслаҳатчисиз иш тутган журналистлар ёрдамида омма онгига тўғри етказилмаётган тарих лавҳалари ноокилона натижалар бериши мумкин. Тарихчиларга адолатли айб қўйиш мумкинки, улар яқин ўтмишга қадар, журналист ва публицистлардан фарқли равишда, жамиятимиз эҳтиёжларига унчалик тез ҳозир жавоблик кўрсата олмадилар ва оммавий ахборот воситаларини ўқувчи, кўрувчи ёки тингловчи омма онгида ватан тарихининг турли масалалари бўйича баъзан мутлақо нотўғри фикр-мулоҳазалар ўрнашиб қолишига имкон бердилар. Эҳтимол, бу ишимизнинг ўзига хослиги оқибатидир, чунки тарихий ахборот турли материаллар, маълумотлар базаси ва манбаалар асосида қайта-қайта ва узоқ текширилади. Тадқиқотчи олимларнинг мулоҳаза ва хулосалари ҳар томонлама ўйлаб, босиқлик билан баён этилади.

Бироқ академик фаннинг тили оғирлиги, хулосаларнинг мураккаб баёни қийин қабул қилинади, бу эса тайёрланмаган оммавий ўқувчи ёки тингловчини лоқайд қолдиради. Республикамиз Президентининг олимлар номига айтган танқиди ҳаққоний асосли, тарихчи олимларимиз ўз фундаментал тадқиқотларини халққа яқинлаштиришга интилишлари керак. Тарихчи халқ онгига тарихий жараён ва воқеаларнинг тўғри етиб бориши масаласида бефарқ бўлолмайди. Тарихчи фақат тарихий ҳақиқатга асосланган ўз халқи қаҳрамонона ҳаётини тўғри баён этиш билангина тарихчи деган номга сазовор бўлиши мумкин. Улуғ маърифатпарвар, Туркистон жадидларининг раҳбарларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай ёзади: «Номаълум бир ривоят ила улуғ бир масала тарихин ҳал этмоқликни тарих ҳақинда жиноят санайдурлар» («Ойна», 1914, 19 июль). Бу айтилгандан шу маъно келиб чиқадики, тарихчи ёзгани учун ўз халқи олдида сиёсий масъулдир. Шу боис, тарихчининг маънавий қиёфаси мамлакат ва давлат олдида турган вазифаларга мувофиқ келмоғи лозим.

Ҳеч бир жамиятда фан мустақил, жамиятдан ажралган ҳолда бўла олмайди. У ҳам бошқа соҳалар каби жамиятда рўй бераётган воқеаларга боғлиқ бўлади. Давлатимиз мақомининг ўзгариши, раҳбарларнинг диққат-эътибори, халқнинг ўз ўтмишига қизиқиши тарих фанида қайта қуришни заруриятга айлантиради. Тарихий билим ўз-ўзи учун мақсад ёки тақинчоқ буюм эмас. Тарихни билиш бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштириш учун курашда муҳим воситадир. Шу муносабат билан тарихчиларнинг вазифаси алоҳида далил ва воқеаларни шунчаки қайд этиш эмас, балки тарихий жараён яхлитлиги диалектикасини идрок этишдир.

Бундан ташқари, миллий тарихимизнинг реал тикланиши фақат асл тарихий манбалар асосидагина амалга ошиши мумкин. Биз, тарихчилар учун бу — ўтмишнинг ёзма ёдгорликлари, турли архив материаллари ва ҳоказолардир. Президентимиз ўз нутқида тарихимизни ёзма манбалар асосида тиклашнинг муҳимлиги ва заруршлигини таъкидладилар. Ўзбекистондаги турли қўлёзма фондларида (масалан, бутун дунёга машҳур ЎзРФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондини эслайлик) эски ўзбек, форс, араб тилларидаги қўлёзма манбаларининг дунё миқёсида энг бой хазинасига эгамиз. Улар — бизнинг ўтмишимиз, аждодларимиз донишмандлиги, фахр ва шуҳратимиздир.

Тарихий ўтмишимизни тиклаш — улкан вазифа. У Ватан тарихининг кўпинча эски мафкурага мослаб ёзилган мавжуд версияларга қараб амалга оширилмайди, албатта. Ўзбекистон тарихига илгаригидек, Россия ёки совет давлати тарихи доирасида эмас, балки мустақил давлат тарихи сифатида, дунё тарихи контекстида қараш вақти келди.

Ёзма манбаларнинг холисона тадқиқоти мамлакатимизнинг реал тарихини яратишга имкон беради. Мағлубиятларнинг оғир замонларини ҳам, ғалабаларнинг шонли даврларини ҳам ҳаққоний кўрсатишга шароит бор. Бизни, охир-оқибатда, мустақилликка олиб келган барча нарсалар унинг мафкурасининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Бу — мураккаб вазифа. Қўлёзмаларни ўқиш учун шарқ тилларинигина билиш камлик қилади. Дастхатлардаги кўплаб турли услублар, баъзан қўлёзма кўчирувчиларининг номукаммал дастхати замонавий тадқиқотчиларга кўплаб муаммоларни яратади. Бир қўлёзмани йиллаб ўрганиш ҳам мумкин — кўпгина тадқиқотчи-шарқшунослар фан тарихига фақат бир ёзма манба танқидий матнини тайёрлаб, нашр этган муаллиф сифатидагина кирган.

Республика Президенти Ватан тарихи олдига қўйган масъул вазифаларни ҳал этиш учун кенг дунёқарашли, Шарқ ва Оврўпо тилларини биладиган, жаҳон тарихидан яхши хабардор тарихчиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш талаб этилади.

Тарих фани ўтмиш меросини янги авлодларга тўлақонли етказиш билан уларнинг маънавий тарбиясига, комил инсонлар бўлиб етишувига ўз муносиб ҳиссасини қўшади.

**Дилором АЛИМОВА,**
**ЎзР Фанлар академияси тарих институти бўлим мудири,**
**тарих фанлари доктори.**

**Элёр КАРИМОВ,**
**шу институт катта илмий ходими,**
**тарих фанлари номзоди.**



«Булоқбоши ипаги» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти меҳнат унумдорлигини ошириш ва сифатли тола ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Корхонада йилига 300 тоннадан ортиқ ипак толаси тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиляпти. Бундай натижага эришишда, табиийки, ўз ишининг усталари бўлган маҳоратли ишчилар катта улуш қўшишмоқда.

Насибахон Акбаровани ана шундай кишилар сирасига киритиш мумкин.

СУРАТДА: *Насибахон АКБАРОВА.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### ФИРМА БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

*«Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви билан Германиянинг «Тиссен Хандель Берлцн ГМБХ» фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланди.*

*Ушбу шартномага кўра ҳиссадорлик жамияти қошида соатига 200 килограмм макарон ҳамда печенье ишлаб чиқариш қувватига эга қўшма корхона барпо қилишга киришилди.*

И. ЖОНУЗОҚОВ.

### ИШБИЛАРМОНЛАР

*Асака туманидаги «Ўзбекистон» қишлоғида истиқомат қилувчи Қодиржон ота Эргашев уйининг томидан ҳар йили 35 минг сўм даромад қилади. Қандай қилиб дейсизми? Айвон олдига экилган токни том устига ўрнатилган сўритокка тарайди. Шабададан, қуёшдан баҳра олиб етилган узум ортиқча касалланмайди, боз устига уйни ичи салқин туради.*

*Қаловини топиб қорни ҳам ёндирса бўлади, деганлари шудир-да.*

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

# ЛОТИН АЛИФБОСИГА ЭЪТИБОР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, умумтаълим мактабларининг 1-5 синфларида ўқитиш тўлиқ лотин ёзувида олиб борилишига қарамай, ҳалигача Мусиқа (3-5 синфлар), Меҳнат (3-4 синфлар), Тасвирий санъат (3-4-5 синфлар) фанлари дарсликлари, бадиий ва оммабоп адабиётлар лотин алифбосида чоп этилмаган. Айниқса, лотин ёзувини мактабгача таълим муассасаларида ўргатишнинг илмий асослари пухта ишлаб чиқилишига эътибор зарур. Шуни ҳам айтиш керакки, мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ота-оналарини янги алифбога ўргатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли даражада эмас. Ўқиш қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик ва туркман тилларида олиб борилаётган мактабларда давлат тилини бешинчи синфгача лотин ёзуви асосида ўргатиш учун бирон бир фандан янги алифбода дарслик чоп этилмаганлиги ачинарли холдир. Фақат, ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-3 синфлари учун лотин ёзувида ўзбек тили дарслиги борлигини айтиб ўтиш мумкин, холос. Педагогика олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари учун ҳам янги алифбода дарсликлар, қўлланмалар ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрланмаган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 5 январь, 4 сонли қарорида 1998-99 ўқув йилидан бошлаб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий қилиниши қайд этилган. Жумладан, мазкур қарорда барча мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб интернат-ўқувчилари дарсликлар билан бепул таъминланиши белгилаб қўйилган. Аммо Тошкент шаҳрида ўтказилган текширишларда биринчи синф дарсликлари ва 1998 йилгача нашр қилинган 2-11 синф дарсликлари чакана савдода сотилаётганлиги аниқланди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда қабул қилган Қонунга мувофиқ лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган эди. Лекин «Ўзкитобсавдотаъминот»га қарашли китоб дўконларида аввал нашр этилган, қонунда белгиланган тузатишлар киритилмаган алифбо асосида нашр этилган китоблар ҳанузгача сотилаяпти.

Янги алифбода нашр этилган дарсликларни ўқувчиларга етказиб бериш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактаб кутубхоналари қошида дарсликлар билан савдо қиладиган бўлимлар очилган, китобларни сотиш ишига тадбиркорлар ҳам жалб этилмоқда. Жойларда кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлаш ишига ҳокимликлар ва хўжалик раҳбарлари маълум миқдорда маблағ ажратмоқдалар. Лекин амалга оширилаётган бу тадбирлар самараси ҳали етарли эмас. Шу йилнинг 25 июлига қадар «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган 500 миллион сўмлик дарсликнинг атиги 60 миллион сўмлиги сотилганлиги шундан далолат беради.

Мажлис қатнашчилари катта ёшдагиларга лотин алифбосини ўргатиш, лотин алифбосини тарғибот қилиш ишларига барча жамоаларни ва маҳаллалар фаолларини жалб этишга этибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Мажлисда Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ушбу масала юзасидан қарор қабул қилиб, унда Халқ таълими вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитаси ва уларнинг тизимларидаги ташкилотларда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини тўла таъминлаш, унинг талабларини оғишмай бажариш борасида аниқ чора тадбирлар кўриш юзасидан вазифалар белгилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар ва муассасаларга зарур чоралар кўриш, ушбу йўналишда ишларни кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда тегишли вазирликлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Қўмита мажлисида Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова қатнашдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

SIEMENS
NIXDORF

қандай қилиб жаҳон бозорида пешқадам бўлади ?

Мана, бундай қилиб:

SIEMENS

Ўз мақсадига етиш, дунёдаги ахборот ва коммуникация техникалари (АКТ) етказиб берувчи энг йирик компания бўлиш учун — Siemens **1998 йил 1 октябрдан** бошлаб ўз ташкилотлари тизимини қайта кўриб чиқади. «АКТ га хизматлар кўрсатиш» (ахборот ва коммуникациялар мажмуи ечимлари) ва «Тармоқлар» (телефон тармоқлари, симсиз телефонлар ва маълумотларни узатиш тармоғи) секторларига "Маҳсулотлар" (телефонлар, симсиз телефонлар ва шахсий компьютерлар) сектори қўшилади.

Шундай қилиб, ахборот техникаси етказиб берувчи Европанинг энг йирик Siemens Nixdorf компанияси ахборот ва алоқалар соҳасида катта қувватга эга, ягона ҳисобланиб келинган,— бош корхона—Siemensнинг бир бўлаги бўлади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
132-03-14, 40-67-50,
ёки 133-48-99, 133-47-99
("Хайтек" фирмаси Siemens Nixdorf компьютерларини сотиш бўйича ишончли ҳамкор)

